“Ўзкимёсаноат” АЖ мутахассиси Японияда энергетикада водороддан фойдаланишга бағишланган тренингида иштирок этди

// 13.02.2024
https://www.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/uzkimyosanoat-azh-mutahassisi-yaponiyada-energetikada-vodoro

“Ўзкимёсаноат” АЖ Инвестиция фаолиятини истиқболли ривожлантириш департаменти бош мутахассиси Лобар Мирсаидова Японияда энергетикада водороддан фойдаланишга бағишланган тренингида иштирок этди.

Ёкохама шаҳрида Бразилия, Аргентина, Уругвай, Чили, Колумбия, Озарбайжон, Намибия, Миср ва Ўзбекистон давлат идоралари ва компаниялари вакиллари учун малака ошириш тренинги ўтказилди.

У энергетиканинг углерод-нейтрал жамиятга ўтиш даврида водороддан фойдаланишни рағбатлантириш бўйича сиёсатни ишлаб чиқиш ва маъмурий ишлар билан шуғулланадиган давлат идоралари вакилларига бағишланган.